

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ЁШЛАР ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Омирзаков Дилшод Олимжон угли
Тошкент давлат аграр университети
Агроиктисодиёт, логистика ва хизматлар
факултети, Юриспруденция йуналиши 2-боскич талабаси
Email: umirzaqovdilshod08@gmail.com.

Tel raqam: +998 88-295-05-80

Илимий рахбар: Умурзакова Наргиса Мухтаровна
Тошкент давлат аграр университети
Агроиктисодиёт, логистика ва хизматлар факултети,
“Хукукшунослик” кафедраси дотсенти

Аннотация: Ушбу мақолада янги тахрирдаги Конституцияда киритилган узгаришларнинг ёшларга оид кафолатлари тахлил қилинади. Асосий эътибор ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари, уларнинг ҳимоя қилинишини, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш масалаларини ёритишга қаратилган.

Калит сўзлар: Конституция, ёшлар, интеллектуал салоҳият, келажак, ҳуқуқ, мажбурият, бурч, кафолат, ватанпарварлик, шарт-шароит.

Аннотация: В данной статье анализируются гарантии для молодежи, предусмотренные поправками, внесенными в новую Конституцию. Основное внимание уделяется подчеркиванию личных, политических, экономических, социальных, культурных и экологических прав молодежи, их защите и поощрению активного участия в жизни общества и государства.

Ключевые слова: Конституция, молодежь, интеллектуальный потенциал, будущее, право, обязанность, долг, гарантия, патриотизм, условия.

Abstrakt: *This article analyzes the guarantees for youth of the amendments introduced in the new Constitution. The main attention is paid to highlighting the personal, political, economic, social, cultural, and environmental rights of young people, their protection, and encouraging their active participation in the life of society and the state.*

Key words: *Constitution youth, intellectual potential, future, right, obligation, duty, guarantee, patriotism, conditions.*

“Фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқаётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак”.

Ш.Мирзияев

Энг аввало узи Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши жамиятнинг эволюцион ривожланишидан келиб чиқайотган ҳаётий зарурат бўлиб, бу миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларни аниқлаб олишимиз гоят аҳамиятли масала ва адолатли жамият куриш йулидаги муҳим қадам ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳурматли президентимиз ва Олий Мажлиснинг ташаббуси билан 2023-йил 30-апрелда Референдум йўли орқали қабул қилинган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Шунингдек, Янги Ўзбекистонда фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олишга ҳақли эканлиги назарда тутилиб, бундан асосий мақсад иқтидорли ёшлар учун давлат гранти асосида бакалаврият ва магистратура босқичида таълим олиш

орқали ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини кенгайтириш ҳисобланади.

Ёшларни бугунги кунда ечимини кутаётган масалалари Янги таҳрирдаги Конституцияга киритилиши билан бош Қомусимиз нафақат халқники, балки ёшлар, келажак Конституцияси сифатида майдонга чикди.

Янгиланган Конституцияда ёшлар масаласи алоҳида урғу берилиб, аҳолимизнинг 18 миллиондан ортиғи ёшлар эканлиги, ушбу кўрсаткич 2040-йилга бориб, 25 миллионга етишини ҳисобга олиб, Конституцияга ёшлар масаласига алоҳида боб киритилди.

Унга кўра ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, уларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шартшароитларни яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиши ёшлар ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини таъминланишига хизмат қилади.

Халқимизнинг хоҳиш-истакларига, демократик ўзгаришлар эҳтиёжларига асосланиб, Ўзбекистон Президенти конституциявий ислохотларнинг бошидаёқ 9 та устувор йўналишни белгилаб берди. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида: “Амалдаги Конституциямизда ёшлар ҳуқуқлари ва ёшлар сиёсати ҳақида бирорта ҳам сўз йўқлиги албатта адолатдан эмас. Келажак авлод ҳақида ғамхўрлик дунёнинг бир қатор давлатларининг конституциялари ва халқаро шартномаларда асосий ҳуқуқий норма сифатида мустаҳкамланган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз Конституциясига келажак авлод ҳақида алоҳида боб киритиш зарур”, деган ҳаётий талабни кун тартибига қўйди.

2023 - йил 1 - январь ҳолатига кўра, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” 2016- йил 14 - сентябрь қабул қилинган ЎРҚ-406-сон

Қонунига асосан ёшлар сифатида эътироф этилган мамлакатнинг 14-30 ёшгача бўлган аҳолиси сони 9 миллион 654 минг 351 кишини ташкил этиб, жами аҳолининг 26,8 фоизига тенг келмоқда.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосланадиган бўлсак, Ўзбекистон барча соҳалар каби нуфус жиҳатидан ҳам катта давлатга айланиб аҳолиси 2040 - йилга бориб 50 миллионга етиши, бунда жамиятнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилиши кутилмоқда.

Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси давлати ва Президенти олдида ёшларга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар яратиш вазифасини қўяди. Ушбу масаланинг ечими ва мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори сифатида – Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинди.

Умумхалқ референдумида янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг алоҳида боби – XIV боб **“Оила, болалар ва ёшлар”** деб номланиб ундан ёшларга оид қатор нормалар ўрин олганлиги янгича ёндашув сифатида Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигидан яққол далолатдир.

Янги Конституцияда давлат томонидан ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштироки рағбатлантирилиши кафолатлаб қўйилиб, Конституциянинг 79-моддаси биринчи бандида қайд этилганидек: “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради”.

Шунингдек, Конституцияда давлат ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, ватанпарварлик туйғулари шаклланишига ғамхўрлик қилиши белгиланиб 78-моддаси тўртинчи бандида шундай дейилган: “Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни,

мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади". Бу норма давлатнинг ёшлар тарбиясига нафақат педагогик жараён, балки миллий хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг муҳим шarti сифатида қараётганидан далолат беради." Бундан ташкари бугунги глобаллашув даврида бу нормаларнинг Конституциямизга киритилиши ва амалда кулланилиши жамиятимизда жуда хам фойдали. Негаки, мазкур конституциявий мажбурият ёш авлодни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда 'маънавий иммунитет' вазифасини ўтайди."

Шунинг билан биргаликда Қомусимизда ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилган. Конституциянинг 79-моддаси иккинчи бандига кўра: "Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади".

Янги таҳрирдаги Конституциядан илк маротаба таълимга оид нормалар 50, 51 ва 52- моддаларда аксини топган узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлаш давлатнинг вазифаси этиб белгиланди. 53-моддаси биринчи бандида: "Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади", деб таъкидланган. Зеро, интеллектуал салоҳиятини юқори, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Яни, Бу конституциявий нормалар мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни барпо этиш ва инсон капиталини ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Таълим ва ижод эркинлигининг кафолатланиши ёш иқтидор эгаларига

ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш ва жаҳон илм-фани майдонида рақобатбардош бўлиш имконини беради. Интеллектуал мулкнинг муҳофаза қилиниши эса соҳа вакиллари янги кашфиётлар қилишга рағбатлантириб, жамиятда билим ва тафаккурнинг қадрини янада юксалтиради. Натижада, таълим ва ижод соҳасидаги бу ислохотлар юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратувчи янги авлод вакилларининг шаклланишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямизда баён этилганидек, давлат ёшларга нафакат гамхурлик қилади балки унга турли хил имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб бериш мажбуриятларини ўз зиммасига юклаган. Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга халқимиз содик эканидан далолатдир. Ўзбекистон ёшларининг имкониятларини кенгайтирувчи, химоя қилувчи ва тарбияловчи қоидаларни ўз ичига олган ҳолда, тараққиёт, фаровонлик ва инклюзивлик билан ажралиб турадиган келажак учун замин яратади. Ёшлар овози жаҳон миқёсида тобора жаранглаб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ўз ёш фуқароларининг салоҳиятини эътироф этган ва бағрига олган ҳолда, эртанги куни учун янада муваффақиятлироқ келажак кураётган халқнинг намунаси десак ҳеч ҳам муболага бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Расмий нашр, Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023.- 28-30-б.
2. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” 2016-йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
3. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” Ш.Мирзияев, 2023
4. Давлат статистика қўмитаси маълумотлар базаси, <https://data.egov.uz/rus>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>. 242 SH.A. SAYDULLAYEV.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияда ёшлар ҳуқуқ ва эркинликлари
кафолати. 1Юлдашева Тўтихон Якубовна, 2Исомиддинов Санжарбек